



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 22 - aprel

889u -son

Bog‘ot shaharchasi

Марҳум Қараев Ахмад Сабуровичнинг  
турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини  
белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Нурли маскан” маҳалласида яшовчи фуқаро Сабуров Сарварбек Ахмад ўғлининг марҳум отаси Қараев Ахмад Сабуровичнинг “Нурли маскан” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 22 февралдаги ШЯ-С-674-сонли аризасини, “Нурли маскан” маҳалласи фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 18 февралдаги 468-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р            Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Нурли маскан” маҳалласида жойлашган 7 (етти)та хонадан иборат, яшаш хоналари 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 62,4 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 98,46 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 160,86 квадрат метр, қурилиш ости майдони 217,4 квадрат метр, умумий ер майдони 1366,22 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан марҳум Қараев Ахмад Сабуровичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Марҳум Қараев Ахмад Сабуровичнинг меросхўрлари ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Мархум Қараев Ахмад Сабуровичнинг меросхўрларига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими**



**Ш.Яхшибаев**